

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОТАЖАНОВА АЗИЗА НИГМАТУЛЛАЕВНА

**СУРУНКАЛИ ТОКСИК ГЕПАТИТ ВА ИММУНОКОРРЕКЦИЯДА
ПЕЙЕР ПИЛАКЧАЛАРИНИНГ СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Отажанова Азиза Нигматуллаевна

Сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекцияда пейер

пилакчаларининг структур-функционал

хусусиятлари..... 3

Отажанова Азиза Нигматуллаевна

Структурно-функциональные особенности пейеровых бляшек при

хроническом токсическом гепатите и

иммунокоррекции..... 23

Otajanova Aziza Nigmatullaevna

Structural and functional features

Payer's patches under conditions of chronic

toxic hepatitis and immune correction..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОТАЖАНОВА АЗИЗА НИГМАТУЛЛАЕВНА

**СУРУНКАЛИ ТОКСИК ГЕПАТИТ ВА ИММУНОКОРРЕКЦИЯДА
ПЕЙЕР ПИЛАКЧАЛАРИНИНГ СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib835 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизова Феруза Хусановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Орипов Фирдавс Суръатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Садридинов Асомиддин Фаязович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Ж. Усманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Организм ички муҳити доимийлигининг сақланишида иммун тизимининг аҳамияти беқиёсдир. «...у кўпгина патологик жараёнларда муҳим ўрин эгаллайди, шу жумладан жигар хасталиклари патогенези ривожланиши ва кечишининг асосий мезонларидан бир ҳисобланади ...»¹. Иммун тизимида бузилишлар вирус гепатитлар, айниқса «... В, С ва D турлари давомида кузатлади, бунда организмда аутоантителолар ва иммун комплекслар пайдо бўлиши натижасида патологик жараённинг сурункали тус олиши ва жигарда фиброз ривожланиши содир бўлади ...»². Ҳозирги пайтга келиб клиник ва тажрибада ўткир ва сурункали гепатит шароитида организмнинг иммун статусига бағишланган қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. «...уларда вирусли ва бошқа этиологияли гепатитлар давомида иммунитетнинг Т- ва В-системаси хужайралари ўзаро муносабатининг ўзгаришлари ва дисбалансининг ривожланиши ҳақида далиллар келтирилган...»³. Шу билан бирга уларда асосан периферик қоннинг иммунологик кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, иммун тизимидаги кечадиган ўзгаришлар деярли ўрганилмаган. Периферик иммун тизимининг муҳим аъзоларидан бири ингичка ичак девори шиллиқ қаватида жойлашган лимфоид фолликулалар тўплами ёки пейер пиллакчалари (Пп) организмнинг табиий микробиотицизини бир меъёрада ушлаб туриши билан бир қаторда, турли экзо- ва эндоген антигенларни нейтраллашда етакчи ўрин эгаллайди. Ингичка ичак, унинг иммун тузилмалари ва жигарнинг ўзаро анатомик ва физиологик нуктаи назардан боғлиқлиги, уларнинг жигарда кечадиган турли патологик ўзгаришлари, шу жумладан вирусли ёки бошқа этиологияли ўткир ва сурункали гепатитларда фаол иштирокини тақозо қилади. Аммо, ҳозирги пайтга келиб, жигарнинг турли патологик жароҳатланишида пейер пиллакчаларнинг структур-функционал ҳолати деярли ўрганилмаган.

Жаҳонда сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекцияда пейер пиллакчаларининг структур-функционал хусусиятларини асослашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада илмий изланишларимиз сурункали гелиотрин гепатит ва иммунокоррекциядан сўнг пейер пиллакчаларининг морфологик хусусиятларини асослашдан иборат. Сурункали гелиотрин гепатитда пейер пиллакчаларининг морфологик, морфометрик ва электрон микроскопик хусусиятларини илмий асослашдан иборат. Сурункали гелиотринли гепатитда пейер пиллакчаларини радиоавтографик хусусиятларини асослаш ҳамда тажрибада сурункали токсик гепатит шароитида пейер пиллакчаларининг структур ҳолатига баъзи

¹Особенности иммунного статуса у больных хроническим вирусным гепатитом/Мирхайдаров Р.Ш., Кильдебекова Р.Н.и др. // Клиническая геронтология. -2015. -. С. 7-8.

²Adaptive immunity in the liver/ Shuai Z. [et al.] // Cellular & Molecular Immunology. -2016. – Vol. 13 (3). – P. 354-368.

³Jakab L. The liver and the immune system / L. Jakab // Orvosi Hetilap. – 2015. – Vol. 156 (30). – P. 1203-1213.

дори воситалари тактивин, тималин, спленин таъсирини баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, сурункали токсик гепатит ва унинг асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгилаган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш сурункали токсик гепатит асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика, фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати. Пейер пилакчаларининг иммун тизимининг муҳим компоненти ҳисобланади. Унинг постнатал онтогенездаги микроскопик ва субмикроскопик тузилиши адабиётда кенг ёритилган. (Зуфаров К.А., Юлдашев А.Ю., 2001; Сапин М.Р., 2004; Brandtzaeg P., 2009; Akande J, 2010). Ушбу маълумотлар пейер пилакчаларининг тузилиши ҳақида нисбатан тўлиқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Мавжуд бўлган маълумотларга кўра, улар антитанача ҳосил қилувчи хужайраларнинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллашлари ҳақида хулосага келиш мумкин (Елаева Э.Б., 2002; Иванова Е.А., 2009; Морозова Е.Н., Е.Н., Морозов В.Н., 2013; Hoogweg K., 2008). Бироқ, сурункали токсик гепатитда пейер

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

пилакчаларининг структур-функционал хусусиятлари ҳозирги пайтгача етарли даражада ўрганилмаган. Маълумки, сурункали токсик гепатит давомида иммунитетнинг Т- ва В- тизимида қатор ўзгаришлар жигар тўқимасига нисбатан антитаначалар пайдо бўлишига олиб келади (Блюм Х.Е., 2005; Дудка В.Т., 2009; Ichiki Y., 2005; Jakab L., 2015). Шу муносабат билан, клиник амалиётда, табиий ҳамда сунъий яратилган иммуномодуляторлар қўлланилади (Змушко Е.И., 2001; Колесников А.П., 2001; Касимова Г.Г., 2002; Kellici S., 2009; Santos M., 2010; Dobson B.J., 2010).

Ўзбекистонда турли орган тизимларнинг морфологик кўрсаткичларни баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (Рахматова М.Х., 2018; Юлдашева М.Т., 2018; Ахмедова С.М., 2017; Зокирова Н.Б., 2018), бироқ, сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекцияда пейер пилакчаларининг структур-функционал хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Ҳозирги пайтга келиб, ҳайвон организми тимуси ва бошқа аъзоларидан олинган биологик фаол моддалар ишлатилмоқда. Шу борада, уларнинг сурункали токсик гепатит шароитида пейер пилакчаларининг структур-функционал ҳолатига кўрсатиладиган таъсири ҳозирги пайтга келиб деярли ўрганилмаган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекция шароитида пейер пилакчаларининг морфологик хусусиятларини кейинги босқичларда чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари «Экотоксик омиллар таъсирида постнатал онтогенезда иммун, овқат ҳазм қилиш ва айирув тизими органлари мослашиш реакциясининг морфологик асосларини ўрганиш» (2014-2018) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гелиотрин гепатит ва иммунокоррекция шароитида пейер пилакчаларининг структур-функционал хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали гелиотрин гепатитда пейер пилакчаларининг морфологик хусусиятларини баҳолаш;

сурункали гелиотрин гепатитда пейер пилакчаларида кечадиган морфометрик ўзгаришларни баҳолаш;

сурункали гелиотрин гепатитда пейер пилакчаларини ультрамикроскопик жиҳатларини баҳолаш;

сурункали гелиотрин гепатитда пейер пилакчаларининг пролифератив фаоллигини баҳолаш;

тажрибада сурункали гелиотрин гепатит шароитида баъзи дори воситаларнинг тактивин, тималин, спленин пейер пилакчаларининг структур ҳолатига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Таҷриба учун 128 та оқ «Вистар» чизиқли бошланғич вазни 150–200 грамм келадиган эркак каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сурункали гелиотринли гепатит ва иммунокоррекцияда пейер пилакчаларининг структур ва функционал хусусиятларини комплекс баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган вазифаларни бажариш учун ёруғлик микроскопик, морфометрик, трансмиссион электрон-микроскопик, радиоавтографик, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали токсик гепатитда пейер пилакчаларининг структур қайта қурилишининг характери, ҳужайралар пролиферациясининг камайиши ва деструкциясининг кучайиши ҳисобига уларнинг фолликулалараро (Т-га тоъбе) соҳаси майдони ва ҳужайраларининг жойлашиш зичлигини прогрессив камайиши асосланган;

лимфоид фолликулалар эгаллаган майдоннинг ошиши, уларда кенг герминатив марказларнинг шаклланиши билан бир қаторда ҳужайралар пролиферациясининг ошиши асосланган;

сурункали гелиотринли гепатит шароитида пейер пилакчаларининг Т- ва В-соҳалари орасида яққол дисбаланснинг ривожланганлиги исботланган;

тимус дори воситаларини, яъни тактивин ва тималиннинг қўлланилишида, фолликулалараро соҳа ҳужайралари пролиферациясининг кучайиши, уларда деструкция даражасининг камайишига олиб келиши ҳамда пейер пилакчалари Т- ва В- соҳалари ўзаро муносабатларининг тикланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

сурункали токсик гепатит патогенезида пейер пилакчаларининг тутган ўрни муҳимлиги ҳақида далолат берганлиги исботланган;

пейер пилакчаларининг имуноморфологик қайта қурилиши ҳақида маълумотлар сурункали токсик гепатит ривожланишининг механизмини чуқурроқ англаш ва патогенетик коррекционни ишлаб чиқилган;

тимусдан олинган биологик фаол препаратлар сурункали жигар касалликларида иммун тизимининг зарарланишига ижобий таъсир қилади ва бу уларни сурункали гепатитлар комплекс терапиясида ишлатилишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, таҷриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ёруғлик микроскопик, морфометрик, электрон микроскопик, статистик текширув усулларидан фойдаланилганлиги, пейер пилакчаларининг структур хусусиятларини таҳлил қилишда олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган

натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти пейер пилакчаларининг иммуноморфологик қайта қурилишлари тўғрисидаги маълумотлар сурункали токсик гепатит ривожланишининг иммун механизмларини чуқурроқ тушунишга ёрдам бериб, патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти тимусдан олинган биологик фаол препаратлар, яъни, тактивин ва тималин пейер пилакчаларининг таркибий ҳолатига кўрсатадиган иммуномодуловчи таъсири уларни жигарнинг сурункали жароҳатланишида иммунитет бузилишларни даволашда қўллаш, жигар патологиясини баҳолаш, даволаш ва реабилитациялашнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш, сурункали токсик гепатит мавжуд беморларни эрта аниқлаш ва уларни патогенетик асосланган дори воситалари билан даволаш зарурияти туғилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекцияда пейер пилакчаларининг структур-функционал хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар:

«Сурункали токсик гепатитда иммун статусни коррекция қилиш усуллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 8н-д/285-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекцияда пейер пилакчаларининг структур-функционал хусусиятлари солиштирма таҳлили асосида баҳолаш имконини берган;

сурункали токсик гепатит ва иммунокоррекцияда пейер пилакчаларининг структур-функционал хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти муассасалараро илмий-тадқиқот лабораторияси ва Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти тиббий-биология лабораторияси фундаментал тадқиқотлар илмий натижалари фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-д/230-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали токсик гепатит шароитида иммун тизимининг ўзгаришлари мавжуд беморларда касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг патогенетик усуллари ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пейер пилакчалар тузилиши ва вазифаларининг замонавий тасаввурлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари таҳлили баён қилинган. Унда пейер пилакчаларининг меъёрий ва патологик шароитлардаги структур хусусиятлари ёритилган. Ўткир ва сурункали гепатит патогенезининг иммунологик ва иммуноморфологик аспекти, касалликни даволашда фармакологик иммунокоррекциянинг замонавий ҳолати ҳақида маълумот келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Пейер пилакчалари тузилишининг морфологик баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибанинг материал ва усуллари ёритилган. Тажриба 128 та балогат ёшидаги эркак оқ каламушларда ўтказилган. Улар қуйида келтирилган тажриба гуруҳларига ажратилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тажриба материалларининг таснифи

гуруҳ	Тажриба гуруҳлари	Каламушлар сони	Текширув муддатлари (кун)
I	Сурункали гелиотрин гепатит	16	40
II	Сурункали гелиотрин гепатит	16	60
III	Сурункали гелиотрин гепатит	16	90
IV	Сурункали гелиотринли гепатитсиз назорат гуруҳи	16	60
V	Сурункали гепатит + Тактивин	16	71
VI	Сурункали гепатит + Тималин	16	71
VII	Сурункали гепатит+ Спленин	16	71
VIII	Сурункали гепатитли коррекциясиз назорат гуруҳи	16	60

Тажриба бошланишидан олдин каламушлар карантинда сақландилар ва инфекция, ва соматик касалликлар инкор этилгандан сўнг одатий лаборатория шароитига ўтказилади. Сурункали токсик гепатит модели 6 хафта давомида схема бўйича хайвонларнинг териси остига 0,05 мг/г микдорида гелиотрин юборилди. Назорат гурухига мос равишда стерил физиологик эритма юборилди. Баъзи иммуномодуллаштирувчи препаратларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида сурункали токсик гепатит давомида, 60-кундан бошлаб каламушларга тактивин (1,4 мкг/г)/тималин (0,14 мг/кг)/спленин (0,1 мл/кг) 10 кун давомида юборилди. Тенг микдорда физиологик эритма қабул қилган гурух назорат тариқасида хизмат қилди. Хайвонлари муддатларига мос равишда, эрталаб, оч қоринга, енгил эфир наркози остида жонсизлантирилди. Ёруғлик микроскопияси учун Пп бўлакчаларини Карнуа суюқлигида фиксацияланди ва тегишли боскичлардан сўнг парафинга қуйилди. Парафинсизлантирилган кесмалар гематоксилин ва эозин билан бўялди. Олинган препаратларда морфометрик Г.А. Автандилов усулида (морфометрик тўр ёрдамида) Ппларнинг турли структур-функционал соҳалари таркибий қисмларини абсолют (мкм²) ва нисбий (%) майдони аниқланди. Ппларнинг турли структур-функционал соҳаларидаги хужайра элементлари метилен-кўк ва асосий фуксин билан бўялган эпон-аралдитли ярим юпқа (1 мкм) кесмаларда ва гематоксилин-эозин билан бўялган кесмаларда саналди.

Электрон микроскопик текширувлар учун Пплардан олинган кесмалар изчил равишда 1,25% ли глутар альдегиди ва 1% ли осмий кислотасининг фосфат буфердаги (рН-7,3) эритмасида фиксацияланди. Сувсизлантирилгандан кейин материал аралдит-эпон аралашмасига солинди. Ультраюпқа кесмалар «Ultratome – V» (LKB, Sweden)да тайёрланди ва изчил равишда уранил-ацетат, кўрғошин цитрати билан контрастланди, сўнггра «JEM-100SX» (JEOL, Japan) электрон микроскопида кўрилди.

Радиоавтографик тадқиқотлар учун юқорида келтирилган муддатларда хайвонларнинг 1 кг вазнига 0,5 мк Кюри микдорида қорин пардасига Н³-тимидин юборилди. Инъекциядан сўнг 1 соат ўтгач каламушлар жонсизлантирилди. Қалинлиги 5-7 мкм бўлган парафинсизлантирилган кесмалар “М” типли фотоэмульсия билан қопланди ва 24 кун давомида қоронғи жойда сақланди. Экспозициядан сўнг кесмалар амидил билан ёритилиб, гематоксилин -эозин билан бўялди. Натижалар % да изоҳланади ва нишонланган ядро индекси (НЯИ) сифатида белгиланди.

Барча рақамли маълумотлар Фишер-Стьюдент усули ёрдамида қайта ишланди. Бунда олинган натижалар фарқларнинг $p < 0,05$ белгиси ишончли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Шахсий изланишлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида интакт каламушлар Ппларнинг морфологик, морфометрик ва ультрамикроскопик характеристикаси, сурункали гелиотринли гепатит динамикаси ва иммуномодуляторлар таъсиридан сўнгги шароитда Ппларнинг структур-функционал хусусиятлари баён этилган.

Бир қанча муаллифларнинг маълумотларига қараганда, гелиотрин таъсир қилингандан сўнг 40-кунга келиб, жигарда фаол гепатит ривожланишининг деярли барча морфологик белгилари кузатилади. Препарат инъекциялари тўхтатилишига қарамай ушбу жараённинг тобора зўрайиши ва пироварида жигар циррозининг ҳосил бўлиши кузатилади (Абдурахманов М.А., 2002; Хасанов Р.Р., 2002). Портал трактларнинг инфилтрацияси тажрибанинг 60-кунига келиб янада яққол тус олди. Бунда бўлакчалар орасидаги бириктирувчи тўқиманинг дағал толалари пайдо бўлиши қайд қилинди. Айниқса, улар бўлакчалараро артерия ва вена атрофида кўпроқ учради. Тажрибанинг 90-кунига жигарда циррознинг типик морфологик кўриниши намоён бўлди. Жигар паренхимаси марказидаги бўлакчалар сонининг камайиши, бириктирувчи тўқима толалари тутамларининг эса қисқариши кузатилди. Айниқса, интенсив фиброз оқибатида «ёлғон» бўлакчаларнинг пайдо бўлиши диққатга сазовордир.

Тажрибанинг 40-кунларига келиб, Ппларда микроскопик, асосан гемомикроциркулятор деструктив характерга эга бўлган ўзгаришлар аниқланган бўлиб, баъзи соҳаларда эпителий ҳужайраларнинг бутунлиги экстрезия ҳисобига бузилган. Интраэпителиал лимфоцитлар сони интакт ҳайвонларга нисбатан визуал тарзда кўпайган, субэпителиал зона кўп ҳолларда шишган, ва анча кенгайган бўлиб кўринади. Деярли ҳамма жойда капиллярларнинг кенгайиши ва уларда эритроцитларнинг стази аниқланмоқда. Барча соҳа ҳужайралари локал деструкцияга ҳамда лизисга учрагани кўринмоқда. Шу пайтдан бошлаб Ппнинг лимфатик фолликулаларнинг гиперплазияга учраши тенденцияси кузатилмоқда. Уларнинг аксарият қисмида турли катталиқдаги герминатив марказлар аниқланмоқда. Фолликулалараро соҳада, кўп ҳолларда деструкция ва лизисга учраган ҳужайралар кўринмоқда. Деярли барча соҳалардаги макрофаглар стромал ва лимфоид ҳужайралар билан зич алоқада бўлиб жойлашган. Макрофагларнинг лимфоцитлар ва плазматик ҳужайралар билан бўлган контакти кўпинча лимфатик фолликулаларда аниқланмоқда. Шу ернинг ўзида тез-тез бир қанча плазматик ҳужайралардан иборат ўзига хос оролчалар учраши кузатилади. Бизнинг кейинги текширишларимиз шуни кўрсатдики, тажриба муддатининг узайгани сари Ппнинг морфометрик ва ультрамикроскопик ўзгаришларининг кўпайиши рўй берди.

Кўрсатилган ўзгаришлар умуман олганда тажрибанинг 60-кунига бориб сақланиб қолди. Гемомикроциркулятор ўзгаришлар бир мунча регрессга учради. Субэпителиал соҳанинг бир оз шишиши кузатилиб, уларда фибробластлар, макрофаглар, кичик ва ўрта лимфоцитлар ва айрим гранулоцитлар аниқланди. Лимфоид фолликулаларнинг ҳажми ва сонининг ошиши алоҳида аҳамиятга эга, уларнинг баъзилари турли катталиқдаги герминатив марказлар тутди. Баъзи лимфатик фолликулаларда ҳужайраларнинг деструкция ва локал лизиси кузатилди. Фолликулалараро соҳа асосан шишган ҳолда кўриниб, уларда лимфоцитлар, макрофаглар ва алоҳида жойлашаган плазматик ҳужайралар асосан сийрак ҳолда жойлашган.

Хужайралар деструкцияси ва лизиси ҳисобига баъзи соҳалар очроқ кўринишга эга бўлиб қолди.

Келтирилган Ппнинг микроскопик ўзгаришлари тажрибанинг 90-кунларида янада жадаллашди. Бунда эпителийнинг лимфоцитлар билан инфилтрацияланиши кучлироқ намоён бўлди. Лимфатик фолликулалар ва фолликулалараро соҳада хужайралар деструкцияси ва лизиси кўпроқ учраб, баъзида кенг майдонларни эгаллаши кузатилди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, сурункали гелиотрин гепатит Пплар турли структур соҳалари майдонининг сезиларли даражада ўзгариши билан кечади. 40-кунларга келиб лимфоид фолликулаларнинг сони ишонарли тарзда кўпайгани аниқланди. Бунда герминатив марказли лимфатик фолликулалар майдони назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,2 хисса ошиши қайд этилса, герминатив маркази бўлмаган фолликулалар сони назорат гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмади. Тажрибанинг айнан шу муддатида фолликулалараро Т- га тоъбе соҳанинг ҳам абсолют ҳам нисбий майдони назорат гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмади.

40-кунларга келиб гумбаз соҳасининг майдони ишончли тарзда ўзгаришсиз қолган. Герминатив марказли ва бундай марказсиз лимфоид фолликулалар майдони прогрессив кўпайиши тенденцияси тажрибанинг 60-90-кунига келиб ҳам сақланиб қолди. Ушбу муддатларда герминатив марказли фолликулалар майдони мос равишда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,8-2,3 хисса ошгани қайд қилинди.

Фолликулалараро соҳанинг майдони тажрибанинг 60-, 90- кунларига келиб, мос равишда 68 ва 73% га назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан кичрайиши кузатилди. Гумбаз соҳасининг абсолют майдони эса шу муддатларда сезиларли ошмади, бироқ ушбу ўзгаришлар статистик ишонарсиз бўлиб чиқди.

Юқорида қайд этилганлар шуни кўрсатадики, сурункали гелиотрин гепатит динамикасида В-га тоъбе соҳа (лимфатик фолликулалар, гумбаз) структур компенентлари эгаллаган майдонлари қонуний равишда ошиши, шу билан бир қаторда Т-га тоъбе фолликулалараро соҳа нисбий майдонининг кичрайиши тенденциясини намоён қилади.

Бизнинг маълумотларга қараганда, сурункали гелиотринли гепатит Ппнинг структур-функционал соҳаларининг хужайравий таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тажрибанинг 40-кунларига келиб, (2-жадвалга қаранг) Пп лпрнинг деярли барча соҳаларида лимфобластлар сонининг кўпайиши кузатилиб, уларнинг назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларига нисбатан ишончли кўпайгани қайд этилди. Бунда лимфобластлар сонининг айниқса герминатив марказида ошгани (55%) га аниқланди, лимфатик фолликулалар ва гумбазда уларнинг сони мос равишда 50 ва 72% га назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан юқорилиги кузатилди. Фолликулалараро соҳада уларнинг сони камайишга мойилликни намоён қилди ва 60-, 90-кунга келиб мос равишда назорат гуруҳига нисбатан 80 ва 89% камайди.

**Пейер пилакчалари турли структур-функционал соҳалари
хужайраларининг СГГнинг 40 – кунига келиб тақсимланиши (M±m)**

Хужайра турлари	Герминатив марказ	Фолликуляр соҳа	Фолликулалараро соҳа	Гумбаз
Лимфобластлар	612,2±16,56	164,8±4,65	49,9±1,32	68,5±1,97
Ўрта лимфоцитлар	295,3±6,13	403,1±10,44	208,7±5,99	107,6±2,12
Майда лимфоцитлар	794,5±12,36	2148,5±55,87	654,0±14,13	86,3±1,83
Плазмоцитлар	6,2±0,13	138,0±2,27	17,6±0,42	497,4±10,34
Макрофаглар	65,6±1,67	48,9±1,18	7,3±0,17	159,4±4,50
Эозинофиллар	7,3±0,17	13,5±0,38	3,2±0,07	7,8±0,20
Нейтрофиллар	0	0	9,6±0,27	4,0±0,08
Ретикуляр хужайралар	218,1±6,62	351,6±5,78	229,9±4,76	105,8±2,42
Деструктив хужайралар	36,2±0,74	68,3±1,93	59,3±1,61	63,5±1,53
Идентификацияланмаган хужайралар	33,5±0,77	32,6±0,68	27,3±0,62	104,3±3,03
Жами	2069	3369	1267	1311

2-жадвалда акс эттирилганидек, Ппнинг барча соҳаларда макрофагларнинг миқдори ишонарли тарзда ошди, шуни таъкидлаб ўтиш керакки фолликулалараро соҳада улар дастлаб тажриба ҳайвонларида вужудга келди ва ҳамма хужайраларнинг 0,5% ни ташкил қилди. Лимфатик фолликулалар ва гумбаз соҳасида макрофаглар сони назорат гуруҳига нисбатан 6-8 хисса кўпайди. Фолликулалараро соҳа ва гумбаз соҳада плазматик хужайраларнинг сони ошгани алоҳида диққатга сазоворлигини таъкидлаш лозим. Гумбаз соҳада гранулоцитлар сони назорат гуруҳига нисбатан 1,2 хисса ошгани аниқланди. Лимфоцитлар сонининг маълум тарзда ўзгариши кузатилди, айнан шу ўзгаришлар фолликулалараро соҳада яққол ва ишонарли намоён бўлди. Ушбу соҳада йирик ва ўрта лимфоцитлар сонининг мос равишда назорат гуруҳига нисбатан 89 ва 72% га ишонарли тарзда камайиши аниқланди. Шу билан бир қаторда майда лимфоцитлар сони назорат гуруҳига нисбатан 54% га ошди.

Бошқа барча соҳаларди йирик, ўрта ва майда лимфоцитлар миқдори кўпайишга мойилликни намоён қилди, аммо фақатгина гумбаз соҳада йирик ва майда лимфоцитлар сони статистик ҳолда ишонарли бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимки, сурункали гелиотрин гепатит динамикасида 40-кунга келиб, барча соҳаларда деструктив лимфоид хужайралар пайдо бўла бошлади. Айниқса улар сонининг ошиши гумбаз соҳада яққол намоён бўлди. Бу ерда улар барча хужайраларнинг 4,8 %ни ташкил қилди. Бошқа соҳаларда эса уларнинг сони барча хужайралар сонидан 1,5-4,6 % дан ошмади ва ниҳоят сурункали гелиотрин гепатитнинг 40-кунига келиб алоҳида структур-функционал соҳаларда хужайралар

сонининг умумий йиғиндиси ўзгаришга учрай бошлади. Лимфатик фолликулалар, герминатив марказларда ва гумбаз соҳада бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан ишонарли тарзда 69-73% баробар ошган бўлса, фолликулалараро соҳада эса унинг назорат гуруҳига нисбатан 69% камайиши кузатилди. Ппнинг фолликулалараро соҳасида бу кўрсаткич йирик, ўрта лимфоцитлар ва хужайраларнинг умумий йиғиндиси сонининг камайиши сифатида намоён бўлса, бошқа барча соҳа хужайралари сони йиғиндисининг кўпайиши тенденцияси кузатилди. Барча соҳаларда лимфобластлар, макрофаглар сонининг кўпайиб, дистрофик хужайралар пайдо бўла бошлади.

Шундай қилиб, сурункали гелиотрин гепатитнинг 40-кунига, Ппнинг турли структур-функционал соҳаларда хужайралар таркибининг маълум ўзгариши содир бўлди.

Сурункали гелиотрин гепатининг 60-,90- кунга келиб прогрессив ривожланиши Пплар структур-функционал соҳаларида хужайралар таркибининг янада яққол ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келди. 60-кунга келиб кузатилаётган тенденция барча соҳаларда намоён бўлиб, лимфобластлар сонининг ошиши билан бирга кечди. Лимфатик фолликулалар ва герминатив марказлар таркибидаги лимфобластлар миқдори 2 хиссадан кўпроқ, гумбаз соҳасида эса 64% га назорат гуруҳи кўрсаткичларидан устун келди. Фолликулалараро соҳада кўрсатиб ўтилган хужайралар сони 81% га камайди ва 90-кунларга келиб герминатив марказлар ва лимфатик фолликулалар 2,5-2,6 хисса, гумбаз соҳасида эса 55% га назорат гуруҳига нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Фолликулалараро соҳада лимфобластларнинг сони 76-82% камайиб борди.

Деярли барча соҳаларда плазматик хужайралар сонининг тобора ошиб бориши кузатилди. Айниқса уларнинг миқдори лимфатик фолликулалар соҳасида кўпайиши аниқланди ва тажрибанинг 60-, 90- кунига назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 3 хисса юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Қолган соҳаларда плазматик хужайралар сонининг ошиши назорат гуруҳи хайвонларига нисбатан 1,6 - 3,8 хисса кўпайиши қайд қилинди.

Аналогик тарзда Ппнинг барча структур-функционал соҳаларда макрофаглар сонининг тобора ошиб бориши аниқланди. Макрофаглар сонининг ошиши айниқса лимфоид фолликулалар ва гумбаз соҳасида кўпроқ қайд этилди. Бунда улар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 10-17 марта ошгани аниқланди. Фолликулалараро соҳада макрофаглар деярли учрамаса-да, сурункали гелиотрин гепатининг 60-, 90- кунига келиб, мос равишда барча хужайраларнинг 2,6 ва 3,7% ни ташкил қилди. Лимфоид фолликулалар ва гумбаз соҳадаги йирик, ўрта ва майда лимфоцитлар сони камайишда давом этди, гумбаз соҳа ва герминатив марказда эса аксинча улар сонининг ошиб бориши қайд этилди. Айниқса, майда лимфоцитлар сонининг камайиб бориши фолликулалараро соҳада яққол намоён бўлди. Ушбу соҳада майда лимфоцитлар сони сурункали гелиотринли гепатитнинг 60-кунига келиб, 56% га, 90-кунига келиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 78% га камайиши аниқланди.

Гранулоцитлар сони Ппнинг аксарият соҳаларида, фолликуляр соҳа ва герминатив марказдан ташқари кўпайишга мойиллик кузатилди. Фолликулалараро соҳада тажрибанинг 60-, 90- кунига келиб уларнинг сони мос равишда назорат гуруҳига нисбатан 36 ва 64% га камайди.

Ппнинг барча соҳаларида, айниқса фолликулалараро соҳада деструктив хужайралар сони ўзидан олдинги гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ошиб бориши аниқланди. Фолликулалараро соҳадан ташқари бошқа барча структур-функционал соҳаларда хужайралар умумий йиғиндисининг миқдорининг ишонарли тарзда кўпайиши кузатилди. Фолликулалараро соҳада эса ушбу кўрсаткичнинг мос равишда назорат гуруҳига нисбатан 27 ва 30% га камайиши қайд этилди.


Шундай қилиб, Ппларнинг турли структур соҳалари кўрсаткичларнинг миқдорий ўзгаришлари сурункали гелиотрин гепатитнинг 60-, 90- кунларига келиб прогрессив тарзда давом этди. Ушбу ўзгаришлар фолликулалараро соҳа хужайралари умумий сонининг, асосан лимфоцитлар ҳисобига камайиши, Ппнинг гумбаз, фолликулалараро соҳаларида эса макрофаглар, плазмоцитлар ва деструктив хужайралар сонининг кўпайиши ҳисобига кечганини таъкидлаш керак. Бошқа барча соҳаларида хужайраларнинг умумий йиғиндисининг кўпайиш тенденциясини намоён қилди.

Шундай қилиб, Пплар турли соҳаларининг миқдорий ўзгаришлари сурункали токсик гепатитнинг 60-, 90- кунларига келиб тобора кучайиши кузатилди. Фолликулалараро соҳа хужайралари, айниқса лимфоцитлар сонининг тобора камайиши ва барча соҳаларда макрофаглар, плазматик хужайралар ҳамда деструктив ўзгарган хужайралар сонининг ортиши билан ифодаланди.


Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилсак, Ппнинг В-га тоъбе соҳалар хужайраларининг гиперплазияси ва аксинча Т-га тоъбе соҳалари хужайраларининг гипоплазияси Пплар турли структур-функционал соҳалари майдонларининг текширувлар натижаси билан тўлақонли корреляция қилади.

Пплар турли структур-функционал соҳалари электрон микроскопик текширувлари, уларнинг лимфоцитар-макрофагал қаторига кирувчи хужайралар ва микромухит яратувчи хужайраларида функционал зўриқиш белгилари ҳамда деструктив ўзгаришлар борлиги аниқланди. Фолликулалараро соҳанинг лимфоцит ва ретикуляр хужайраларда субмикроскопк ўзгаришлар митохондрияларнинг шишиши ва матриксининг очариши билан ифодаланди. Баъзида митохондриялар матрикси тамомила лизисга учраб, унинг ўрнига ўрта миёна даражада миелинсимон тузилмалар тутди (1-расмга қаранг). Бундан ташқари апоптоз белгиларига эга бўлган ва деструкцияга учраган хужайралар тез-тез учраб турди. Апоптозга учраган хужайралар, кўп ҳолларда йирик фагоцитар вакуолалар таркибида топилди, унда қамраб олинган хужайранинг иккиламчи лизосомалари ҳамда ядро-цитоплазма қолдиқлари борлиги аниқланди. Айнан шундай апоптоз ва деструктив ўзгарган лимфоцитар қаторга кирувчи хужайралар макрофаглар

цитоплазмасида ҳам учраб турди. Бу ерда улар бирламчи лизосомалар билан зич контактда бўлгани аниқланди (2-расмга қаранг). Шунини таъкидлаб ўтиш лозим-ки, плазматик хужайралар лимфоцит ва макрофаглар билан ўзаро зич мулоқотда бўлиб, кўпинча бир неча хужайралари гуруҳ-гуруҳ ҳолда ўзига хос оролчалар ҳосил қилиб жойлашди.



1-расм. СГГ нинг 60-кунида Пплар фолликулалараро соҳасининг лимфоцитлари ва ретикуляр хужайралари. Шишган митохондрияларда миелинсимон тузилмалар. ТМЭ x15000.



2-расм. СГГ нинг 60- кунида Пплар фолликулалараро соҳасининг макрофагида ядро ва цитоплазмаси лизисга учраган деструктив гранулоцит тутувчи фагоцитар вакуола. ТМЭ x15000.

Шундай қилиб, бизнинг маълумотларимизга қараганда, сурункали гелиотрин гепатит динамикаси Пплар В-га тоъбе соҳаларининг прогрессив гиперплазияси ва Т-га тоъбе фолликулалараро соҳаларининг ўрта миёна гипоплазияси билан тавсифланади.

Илгари, ҳамкасбларимиз томонидан ўтказилган текширув натижалари шунини кўрсатди-ки, сурункали токсик гепатит динамикасида периферик иммун аъзоларда кечадиған иммуноморфологик ўзгаришлар принципиал ҳолда умумий қонуниятларга бўйсинади, яъни лимфа тугуни ҳамда талокнинг В-га тоъбе соҳаларининг гиперплазияси ва Т-га тоъбе соҳаларининг ўрта миёна гипоплазияси билан ифодаланди (Азизов Ё.Х., 1996; Махмудова М.М., 2004). Бизнинг маълумотларимизга кўра ҳам сурункали гелиотрин гепатит динамикасида Ппларда кечадиған ўзгаришлар ҳам шундай сценарий орқали ривожланиб боради. Жигарнинг сурункали токсик жароҳатида Пп ларда кечадиған ушбу иммуноморфологик қайта қурилишлар ва иммун тизимининг Т- ва В-хужайралари орасида дисбалансининг пайдо булишининг табиати мураккаб бўлиб, бир томонлама тушунтирилиши мумкин эмас. СС₄ ёрдамида чақирилған тажрибавий сурункали гепатитга бағишланған илмий ишларда жигарнинг захарли моддалар билан жароҳатланиши натижасида организмда бир томондан иммуностимулловчи, иккинчи томондан эса иммуносупрессорлик хусусиятларга эга бўлған омиллар пайдо бўлади. (Медведева С.Ю., 2014;

